



БАХТИЁР ЖЎРАҚУЛОВИЧ САФАРОВ

ЧАКАНА САВДОДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ



«ФАН»



011510

100 | 0011

- 34

4335.138

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Бахтиёр Жўракулович Сафаров

ЧАКАНА САВДОДА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ

TDIU
kutubxonasi
h/v 839532

уад

“Фан”

Мазкур монографияда чакана савдо корхоналарида маркетинг функциялари ва стратегиясини амалга ошириш билан боғлик бўлган савдо маркетинги комплекси элементларининг трансформацияси, чакана савдода хизматлар маркетингининг халқаро моделларини қўлланилиши, савдо маркетинги воситалари ва уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, утбу бозордаги рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобат устунилигига эришиш усувлари, харид жараёни ва чакана савдо хизматлари истеъмолчиларининг хулқ-автор моделлари, чакана савдода маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, чакана савдо корхоналарида маркетинг комплекси таҳлил килиш, чакана савдода маркетинг тизими самарадорлигини ошириш, чакана савдо соҳаси корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари, чакана савдо соҳасини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси ва бошқарув карорларини ишлаб чиқиш масалалари билан боғлик бўлган муаммолар ўрганиб чиқилган ва уларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография чакана савдо соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган илмий ходимлар, тадқиқотчилар, аспирантлар ва чакана савдо корхоналари раҳбарлари, маркетинг бўлимни ходимлари учун мўжжалланган.

Масъул муҳаррир:
и.ф.д., проф. А.Ш. Бекмуродов

Такризчилар:
и.ф.д., проф. С.С. Сайдмуратов,
и.ф.д., проф. Ф.Қ. Комилова

©Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан”
нашриёти, 2008 йил.

ISBN 978-9943-09-576-2

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига трансформациялашуви шароитида хизматлар соҳасида маркетингни шакланиши ва ривожланиши муҳим аҳамиятга эгадир. Хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг тез ривожланувчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳаси савдо ва транспорт соҳасидан тортиб молиялаштириш, сугурта, турли турдаги воситачиликни ўз ичига қамраб олади. Иқтисодий тизимни тубдан ислоҳ килиш хизматлар соҳасига, ижтимоий соҳага кучли таъсир этди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришнинг мураккаблашуви ва бозорни товарлар билан тўйиници натижасида хизматларга бўлган талаб ўса бошлайди. Жамият иқтисодий жиҳатдан канча кучсиз бўлса, унинг хўжалик фаолияти шунчалик устун даражада буюмлашган бойликларни ишлаб чиқариш билан чеклана боради. Иқтисодий дараҷа канчалик юқори ва индустриса асос ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, жамиятнинг хўжалик фаолияти шунчалик мураккаблаша боради. Натижада хўжалик тузилмаси ўзгаради ва хизматларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат фаолиятининг аҳамияти ўсиб боради.

Хизматлар иқтисодиётда ҳар доим муҳим ўрин тутган. Айрим хизматларнинг роли ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнларига, айирбошлаш ва тақрор ишлаб чиқариш тизимини узилишларсиз таъминловчи моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларини истеъмол қилиш соҳалари билан боғликдир. Бошқа хизматлар эса иш кучини ривожланишини таъминлаш, таълим ва маданий-технологик даражани ошириш, соғлиқни мустаҳкамлаш ва меҳнат қобилиятини ривожлантириш, хордик чиқаришни таъминлаш билан боғликдир. Кейинги йиллар давомида хизматлар соҳасида ишловчилар сони маълум бир сабабларга кўра ўсиб борди. Бу сабаблар қаторига ишлаб чиқаришдаги такомиллаштиришлар натижасида кўплаб товарларни кам ишчи кучи билан ишлаб чиқарилишини киритиш мумкин. Бу ҳолат кўплаб ишчи кучини ишлаб чиқариш соҳасидан озод қилди ва уларни турли хил хизматлар кўрсатиш соҳаларига ўтишига сабаб булди. Яна бир бошқа муҳим омиллардан бири бўлиб технологик ривожланиши ҳисобланади. Технологик ривожланиш илгариги ўн йиллар давомида мавжуд бўлмаган компьютерларни қўллашга асосланган кўплаб хизматларни пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари хизматлар соҳасининг гуркираб ривожланиши, ишлаб чиқарувчиларни илгари шуғулланадиган маълум бир хизмат кўрсатиш турларини бошқа фирмаларга беришларига имкон берди ва пировард натижада бу омилларнинг барчаси хизматлар соҳасида бандликни ошишига олиб келди.

Хизматлар соҳасининг иқтисодий роли ғоят муҳим ҳисобланади. Хизматлар соҳаси - ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида функционал вазифаси аҳолига хизматлар ва маънавий неъматларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлган тармоқлар, тармок бўғинлари ва фаолият турларининг мажмуасидир.

Маркетингни кўллашнинг амалий соҳалари ва унинг турларининг бир-биридан асосий фарки субъектларнинг бозор билан ўзаро таъсир алоқаси характеристири ва маҳсулот, истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчи каби элементлар билан аниқланади.

Савдо маркетинги шахсий фойдаланиш учун пировард истеъмолчига сотиш учун мўлжалланган товар ва хизматларни камраб олади. Савдо маркетингида ўзига хос маҳсулот сифатида чакана савдо хизматлари хисобланади. Хозирги кунда чакана савдо хизматлари турли-тумандир ва уларнинг бир-биридан асосий фарки пировард истеъмолчига хизматларни кўрсатиш методи билан белгиланади. Савдо маркетингининг кўллаш соҳаси чакана савдо корхоналари ва аҳоли ўртасидаги ўзаро алоқалар билан чекланади. Чакана савдо хизматларини кўрсатишнинг ўзига хос усувлари хисобланган Интернет, телефон, сотиш ва х.к.лардан фойдаланган холда хонадонларга товарларни сотиш интернет-маркетинг, тўғридан-тўғри маркетинг, телемаркетинг каби маркетингнинг тор ихтинослашаган турларидан фойдаланиш соҳаларига киради. Улар эса ўз навбатида савдо маркетингининг моҳиятига кўра савдо маркетингининг туркумлари хисобланади.

Хўжалик субъектлари томонидан карор қабул қилишнинг асоси, уларни тизимлаштириш ва тартибга солиш усули бўлиб маркетинг комплекси хисобланади. Маркетинг комплекси маркетинг воситаларининг мажмуи бўлиб, улардан маълум бир комбинацияда фойдаланиш мақсадли бозордаги корхонанинг маркетинг сай-харакатларини вектор кўринишида йўналтиради. Маркетингнинг турли хил воситалари танланган мақсад миқёсида уларнинг оптималь таъсирига эришиш асосида танлаб олинади. Иктиносидиётнинг турли соҳаларидаги маркетинг комплекси уларнинг ҳар бирининг хусусиятларига кўра маълум бир ўзгаришларга учрамокда.

Маркетинг комплексидаги ўзгаришлар аниқ масалаларни ва бизнес муаммоларни ҳал қилишда, қўйилган мақсадларни ишлаб чиқиш ва уларга эришишда мослашувчан маркетинг ёндошувини акс эттиради. Бу ҳолат маркетинг комплексининг анъанавий элементларини трансформациясига ва унинг янги ташкил этувчиларини пайдо бўлишига олиб келади.

Ушбу монографияда чакана савдо корхоналарида маркетинг функциялари ва стратегиясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган чакана савдо хизматлари бозори ҳамда ушбу бозор субъектларининг тавсифномаси, савдо маркетинги воситалари ва уларни кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу бозордаги рақобатнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобат устунилигига эришиш усувлари, харид жараёни ва чакана савдо хизматлари истеъмолчиларининг хулк-атвон моделлари каби масалалар ёритиб берилган.

Кўриб чиқилаётган муаммолар савдо маркетингида тақсимот масалалари ҳамда меречендайзинг технологияларини кўллаш муаммолари билан яқиндан алокадордир.

Муаллиф монографияни тайёрлашда ўзларининг қимматли маслаҳатларини берганликлари учун ТДИУ профессорлари А.Ш.Бекмуродов, М.С.Қосимова, Ж.Ж.Жалолов, Ф.Қ.Комилова, Фаттахов А.А., доцентлар М.А.Юсупов, И.А.Жалаловаларга ўз миннатдорлигини билдиради.

1 - боб. Чакана савдода маркетингнинг илмий-назарий асослари

1.1.Чакана савдода маркетингнинг мазмуни ва моҳияти

Савдо маркетинги тушунчасига таъриф бериш бўйича ҳозирги кунгача ягона фикр мавжуд эмас. Ж.Ж.Ламбенниңг фикрича, савдо маркетингни маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларнинг (улгуржи ва чакана) ўзаро ҳамкорлиги босқичида мавжуддир. Бунда чакана савдо корхоналари рақобатчилар ёки сотиш каналидаги шериклар сифатида эмас, балки ягона мижозлар сифатида қаралади¹ ҳамда савдо маркетингини кўллаш соҳаси “товарни ишлаб чиқарувчи - дўкон” алоқаси билан чекланади.

Р.Морриснинг фикрича, савдо маркетинги – ишлаб чиқариш корхонаси маркетинги умумий структурасининг бир қисми ҳисобланади ва унинг асосий мақсади – бозорда брэндинг мустаҳкам ҳолатини таъминлаш, товарни савдо тармоғи орқали истеъмолчига “сотиб юбориш” ҳисобланади². Ушбу ҳолда савдо маркетингини кўллаш “товарни ишлаб чиқарувчи – пировард истеъмолчи” алоқасини назорат қилади.

Професор Т.П.Данько савдо маркетинги тушунчасини кўйидагича таърифлайди: “аник истеъмолчига товар ва хизматларни сифатли силжитишни амалга оширувчи бозор субъектлари фаолияти позициясиdir”³. Мазкур таърифнинг камчилиги савдо маркетинги субъектлари ва объектларининг тўлик тавсифланмаслиги бўлиб, бу ҳолат ушбу тушунчани асосланмаган ҳолда кўллаш соҳаларини кенгайтиради.

Тим Амблер томонидан савдо маркетинги тушунчасига таъриф беришга ёндошув таҳсинга лойиқдир. Тим Амблер савдо маркетингини истеъмол маркетингининг босқичи сифатида изоҳлайди ва бунда маълум бир чегаралашларни белгилаб беради⁴. Унинг фикрича, муайян ҳолатларда чакана савдо хизматларини улгуржи сотувчilar ёки ишлаб чиқарувчilar ҳам кўрсатиши мумкин ва савдо маркетинги маълум бир маънода истеъмол маркетингининг қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, савдо маркетинги чакана савдо корхоналари томонидан пировард истеъмолчиларга кўрсатиладиган маркетинг воситаси ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, чакана савдо корхоналари савдо маркетингининг субъектлари бўлиб ҳисобланади (1.1.1 - расм).

Шундай қилиб, савдо маркетинги - чакана савдо корхоналари томонидан товарларни харид килиш ва харидорлар (пировард истеъмолчилар) талаблари асосида товар ассортиментини шакллантириш, ахолига хизмат кўрсатиш, савдо жараёнини, дўкон ичидағи рекламани ташкил этиш, истеъмолчиларга ахборотлар бериш, кўщимча савдо хизматларини кўрсатишни ўз ичига олган чакана савдо хизматлари маркетинги ҳисобланади.

Савдо хизматлари кўрсатиш бозорида муваффакиятли фаолият кўрсатиш учун чакана савдо корхоналари стратегик ва тезкор қарорларни қабул


¹ Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. М.: Наука, 1996. С 438.

² Моррис Р. Маркетинг: ситуация и примеры. М.: ЮНИТИ, 1996. С. 80.

³ Данько Т.П. Торговое дело: экономика, маркетинг, организация. М.: ИНФРА-М, 1999. С. 80.

⁴ Амблер Т. Практический маркетинг. СПб.: ПИТЕР, 1999. С. 176.

қилишларида “дүкон формуласини” шаклланишини енгиллаштирадиган ва харор қабул қилиш соҳаларини тартибга соладиган маркетинг комплексидан фойдаланишлари зарурдир.



1.1.1 - расм. Маркетинг турларини қўллаш соҳалари

Маркетинг комплексини шакллантиришга ўзгача ёндошувлар ҳам мавжуд. Улардан бири Р.Лотерборн (R. Lauterborn) томонидан таклиф этилгандир. Бу ёндошувга асосан, ишлаб чыгарувчи нуктаи назаридан “4Р” маркетинг комплекси элементлари хисобланади ва унинг маҳсулот кўринишидаги бозорга таклиф этиши ҳамда битимларни тузиш шароитларини тавсифлайди. Бироқ, алоҳида фаолият тури сифатидаги маркетингнинг биринчи навбатдаги мақсади ва вазифаси салоҳиятли истеъмолчиларни эҳтиёжларини қондириш хисобланади. Шундай қилиб, маркетингнинг “4Р” анъанавий воситаси “4С” га айланади¹.

Бизнинг фикримизча, алоҳида савдо таклифининг шаклланишига бўлган илғор ёндошувдир. Шу сабабли, чакана савдо корхонаси маркетинг бўйича менежери факат “БР” воситасидангина эмас, балки “БС” воситасидан ҳам фойдаланиши лозим (1.1.2 - расм).


Чакана савдо – бу ҳаридорлар ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжига кўра товарлар ва хизматларни шахсий ёки оиласвий фойдаланиш учун етказиб бериш фаолиятидир². Дўконлар, супермаркетлар, бозордан бевосита моддий кўринишда эга бўлган товарлар ҳарид қилиш, сартарошлик хизмати, тиббий кўриқдан ўтиш, ресторонга стол буюртмаси, пицца етказиб бериш, меҳмонхона хонасини банд қилиш каби хизматлар ҳам чакана савдонинг тури хисобланади.

Демак, чакана савдо факаттинга дўконларнинг деворлари билан чегараланиб колмасдан, бошка хизмат турларини ҳам ўз ичига олар экан. Лекин чакана савдо айланмасининг аксарият қисми чакана сотувчилари хисобланмиш магазинлар ва дўконларга тўғри келади. Ҳаридорларга комплекс равишида хизмат кўрсатишда қулайлик яратиш учун бир жойга тўпланган ёки бўлмаса,

¹ Kotler Ph., Armstrong G. Principles of marketing. Prentice Hall, 1994. p.447.


² Ch.W.Lamb, J.F.Hair, C.Mcdaniel. Essentials of Marketing, 5th ed. USA.: 2006, p 360.

бир хил хизмат күрсатувчи корхоналарнинг маълум бир худуд бўйлаб тарқалгандарини чакана савдо тизими дейишшимиз мумкин.



1.1.2 - расм. Савдо маркетинги комплекси элементларининг трансформацияси

Ушбу ҳолда чакана савдо корхонаси билан харидорнинг анъанавий муаммолари савдо хизматлари истеъмолчилари нуткаи назаридан қараб чиқилади. “6С” маркетинг комплекси истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари нуткаи назаридан олди-сотди жараёнини кўриб чикиш ўзининг алоҳида хусусиятига эга (1.1.3 -расм).



1.1.3 - расм. Маркетинг комплекси элементлари трансформацияси

Чакана савдо корхоналарининг асосий вазифаси: товарларни қайта сотиш мақсадида ҳарид қилиш, уларни истеъмолчиларга сотиш, товарларни саклаш ва ушбу фаолият билан боғлиқ ҳавф-хатар, таваккалчиликни қабул қилиш, чакана

савдо тизимида молия фаолияти (пул айланиши), бозорни товар ҳакидаги ахборот билан тъминлаш, улардан керакли маркетинг ахборотларини йигиш, уларни қайта ишлаш, зарурий ҳолатларда товарларни уларнинг хошиш-истагига кўра қайта тайёрлаш киради.

Ягона савдо тизими ҳисобланмис бозорлар товарларни саклаш, уларнинг юқори ассортиментини тъминлаш, ҳаридорларнинг яшаш ва иш жойларига яқинлаштириш билан боғлиқ хизматларни қисқа вактда, қулай ва кам ҳаражатлар билан бажаришни ўз вазифаси сифатида акс эттиради. Шунингдек, чакана савдо корхоналар истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш турлари ва шаклига кўра кўйидагича тавсифланади:

Кўчмаслик (стационарлиги) омилига кўра:

- кўчмас (магазин);
- яримкўчмас (палаткалар, киоскалар);
- кўчиб юрадиган (олиб юрадиган «каталог бўйича сотув», тўғридан-тўғри сотув)

Товар ассортименти йўналиши бўйича:

- аралаш ассортиментдаги (бир савдо майдонида ҳам озик-овқат ҳам ноозик-овқат товарларини сотувчи магазинлар);
- маҳсуслаштирилган (бир ёки икки турдаги/гуруҳдаги товарлар билан савдо килувчи магазинлар);
- универсал (ҳамма турдаги озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари билан савдо килувчи)

Товарлар ассортиментига кўра савдо корхоналарини тавсифлашда кўйидаги тушунчаларни аниқлаб олиш лозим:

Турли-туманик-ҳаридорларга таклиф этилаётган товарларнинг турли хил категориялари;

Ассортимент-бир категорияга мансуб товарларнинг турли хил номдагилари, ўлчамдагилари.

Нарх концепцияси бўйича:

- ўрта нархлар (белгиланган нарх ушбу корхонанинг рақобат қуроли эмас);
- юқори нархлар (юқори сифатли товарлар «ҳамма учун эмас», юқори престижга эга магазинлар);
- паст-юқори нархлар (ҳаридорларни жалб қилиш учун айрим турдаги товарларга паст нархлар кўллаш);
- паст нархлар (Discounter – ҳар доим паст нархлар ва чегирма кўллаш);
- ягона нархлар (ҳамма товарлар ягона нархда сотилади).

Сотув шакли бўйича:

- ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи (ҳаридорлар керакли товарларни ўзлари танлайди ва ягона ҳисоб-китоб жойлари орқали сотилади);
- прилавка орқали (ҳаридорларга сотувчилар хизмат кўрсатади, товарни танлашга ёрдам беради, маслаҳат беради, товарларга тўловни амалга оширади);
- тахминий буюртмалар орқали сотув (ҳаридор тахминий буюртма беради);

- намуналар орқали сотув (савдо залида товарнинг ягона нусхасига кўра танлайди ва тўловни амалга оширгандан сўнг товар омбордан етказиб берилади);

- телефон орқали сотув (телефон орқали буюртма бериш);

Чакана савдо корхоналарини уларнинг шаклларига кўра куйидаги солиширмада таҳлил қилиш мумкин (1-жадвал).

Чакана савдо корхоналарининг турларини кўриб ўтганимидан асосий мақсад уларни бир-биридан фарқлаб олиш эди. Чунки чакана савдо корхоналарининг ҳаммасида ҳам маркетинг комплекси элементлари бир хилда кўлланилавермайди. Айрим кичик ҳажмли савдо корхоналарида сотувчи (унинг ўзи савдо дўкони хўжайини) маркетолог сифатида ҳам иш юритса, катта гипермаркет ва супермаркетларда маркетинг бўлими мавжуд бўлиб, улар ҳаридорларнинг ўзгарувчан талабини йил давомида ўрганиб, уларнинг талабини кондиришга бўлган товар ва хизматларнинг микдори, сифати, нархи ва бошқа жиҳатларига катта эътибор бериб борадилар.

Ҳаридорлар эҳтиёж ва талабларидаги ўзгаришлар ҳамда чакана савдо соҳасида кўплаб корхоналар юзага келиши билан рақобатдаги мукаммалликлар ҳам бу тармокда янги ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Масалан, маҳсус магазинлар ёки тор доирада ихтинослаштирилган магазинлар, супермаркетлар ва янгича типдаги бутикларнинг пайдо бўлишини келтириб ўтишимиз мумкин.

Чакана савдо корхоналари товарларни ижтимоий синфлардан бирига ёки оммавий бозорга сотишидан катъи назар, улар вакт ўтиши билан тезкорлик билан ўзгариб бораётган муҳит шароитларида фаолият юритишларини англаб етдилар. Улар кечаги чакана савдо йўл - йўриклари бугун ва, демак, эртага ҳам ишламай, тўғри келмай қолиши мумкинлигига тушуниб етдилар.

Замонавий чакана савдо фирмасига ўзгаришлар белгиларини, алломатларини диккат билан кузатишлари ва ўз стратегияларини тўғри йўналишга қараб мослаштириши зарур бўлади. Бунда вакт омили катта ўрин тутади. Бироқ стратегиясини ўзgartириш ҳақидаги қарорни қабул қилиш учунчилик ҳам осон иш эмас.

Чакана савдода моддий ресурслар муомала жараёнидан жамоа, якка ҳолдаги, шахсий истеъмол соҳасига ўтади, яъни истеъмолчиларнинг мулки бўлиб қолади. Бу жараён олди - сотди орқали амалга оширилади, чунки истеъмолчилар ўзларига зарур товарларни ўзларининг пул даромадларига алмashiшади. Бунда ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг янги цикли учун янги имкониятлар пайдо бўлади, чунки ушбу ҳолатда товарлар пулга айланади.

Чакана савдо товарларни шахсий истеъмол учун, ташкилотларга, корхоналарга, жамоа истеъмоли ва хўжалик эҳтиёжлари учун муассасаларга сотишини ўз ичига олади. Товарлар асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари орқали сотилади. Шу билан бир каторда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналари, воситачилик ташкилотлари омборлари, фирма дўконлари, тайёрлов шахобчалари, устахоналар, ательелар ва хоказолар орқали ҳам сотилади.

Кўп тарқалган чакана савдо корхоналарининг кўринишилари¹

Тури	Турли-туманилиги	Ассортимент	Хизмат кўрсатиш тури	Нарх даражаси	Дўкон ўлчами
Гипермаркет	кенг (озик-овқатлар, саноат моллари, хизматлар)	ўртacha	ўз-ўзига хизмат кўрсатиш	наст	жуда катта
Универмаг	кенг (озик-овқатлар, саноат моллари)	чукур-ўртacha	ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, пештахта орқали	ўртacha-юкори	катта
Универсам	кенг (озик-овқат моллари, химатлар)	чукур-ўртacha	ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, прилавка орқали	ўртacha-юкори	ўртacha катта
Ихтиослаш ган дўконлар	тор (саноат товарлари)	чукур	ўз-ўзига хизмат кўрсатиш	юкори	кичик
Паст нархли дўконлар (Discounters)	кенг (озик-овқат, саноат товарлари)	ўртacha-кичик	ўз-ўзига хизмат кўрсатиш	наст	ўртacha
Электрон чакана савдо	тор (озик-овқат, саноат товарлари)	кичик	етказиб бериш	ўртacha	-
Шахсий сотув	тор (саноат товарлари)	кичик	етказиб бериш	юкори	-

Замонавий рақобат муқаммалашаётган даврда чакана савдо корхоналари фаолият давомийлигини таъминлаш мақсадида ҳаридорларни жалб қилишнинг янги усууларини кўллашлари шарт. Ана шу нарса чакана савдо соҳасида маркетингнинг кўлланилишига сабаб бўлади. Сотувчи билан ҳаридор ўртасидаги олди-сотди муносабатларидан ҳар икки томон ҳам кўпроқ ютишини ўйлайди. Энди чакана савдода маркетинг комплекси элементларининг ўзига хос хусусиятларини кўриб чикамиз (2-жадвал). Анъанавий маркетинг

¹ Ch.W.Lamb, J.F.Hair, C.Mcdaniel. Essentials of Marketing. 5th ed. USA.: 2006, p 362.

концепциясида маркетинг комплекси түрттә элементдан иборат: товар, нарх, тақсимот каналлари ва силжитиш.

2-жадвал

Чакана савдо маркетинг комплекси¹


№	Маркетинг элементлари	Маркетинг фаолияти
1.	Бизнес юритишиш ўрни, жойи	1. Бизнес юритишиш ўрнига талаблар; 2. Жой қидириш; 3. Фирма жойлашуви учун жой танлаш.
2.	Товар	1. Ассортимент чуқурлиги ва кенглиги; 2. Асосий ва кўшимча ассортимент; 3. Товар маркалари мажмуми; 4. Товар упаковкаси.
3.	Безатиш, тақдим этиши	1. Магазиннинг ташки кўриниши; 2. Магазиннинг ички тузилиши; 3. Магазин атмосфераси; 4. Сотиш тизими; 5. Товарлар гурӯхланиши; 6. Товарларни тақдим этиши.
4.	Персонал (ходим)	1. Иш малакаси ва тажрибаси; 2. Персонални танлаш ва унинг ишини ташкил этиши.
5.	Нарх	1. Нархнинг нисбий даражаси; 2. Нархнинг мутлоқ даражаси (устама микдори); 3. Нарх ўрнатиш усули; 4. Нарх имиджи.
6.	Силжитиш	1. Силжитиш мақсади; 2. Реклама; 3. Рекламанинг асосий тезиси; 4. Коммуникация воситалари; 5. Товар ва хизматларни силжитиш бўйича харажатлар; 6. Товарлар ҳаракати.
7.	Жисмоний тақсимот	1. Тузилма; 2. Омборларнинг жойлашуви; 3. Захираларни бошқариш; 4. Ташиб.

Аниқ ҳолатларда ушбу концепцияни қўллашда маркетинг комплекси элементларининг ҳар хил кўринишдаги жамланмаларидан фойдаланилади. Жумладан, чакана савдо соҳасида маркетинг комплексининг ўзига хос хусусиятлари шуки, у асосий маркетинг комплексидан, яъни «4 Р» дан ташкирияна учта – дўконнинг жойлашган жойи, персонал, дўконнинг безалиши каби элементларни қўшиб оладики, қўшилган элементлар савдо корхоналарининг

¹ Завъялов П.Д. Маркетинг в рисунках, схемах и чертежах. М.:Экономика, 2006. 203 с.

маркетинг фаолиятида мұхим ажамият касб этади. Ушбу маркетинг комплексининг чакана савдода ўзига хос хусусиятларини таърифлаб үтәмиз.

Энг аввало, таъкидлап көрекки, чакана савдо маркетингінде товар сифатыда дүйнендер томонидан ҳаридорларға таклиф қилинаётган товарлардан ташқари күрсатылаётган хизматлар ҳам киради. Чакана савдода маркетингнинг ўзига хос жиһати яна шундаки, унда савдо хизматлари ишлаб чыкарылған алохидалығы ва хизмат сифатининг нобарқарорлығы доимийдір. Бу ерда ҳаридорлар күтәдиган хизмат даражаси ва реал оладиган хизмат даражаси орасында хизматнинг сипати ҳақида гапириш мақсадда мувофиқдір. Күпинча савдо корхоналари ва мінгозларда таклиф қилинадиган хизматлар номенклатурасы ва сипати ҳақида түрли талаблар пайдо бўлади. Куйидаги 1.1.4-расмда чакана савдода маркетинг-микс келтирилган.¹



1.1.4-расм Чакана савдода маркетинг-микс

Тадқиқотлар шуни күрсатады, деярли 75 фоиз ҳолатларда савдо ходимлари ўзлари күрсатаётган хизматлар ва товарлар сипати ҳаридорлар баҳолашидан юқори деб ўйлайдилар. Демак, ҳулоса килиц мүмкінкі савдо ходимлари ва ҳаридорларнинг диди ва хошишлари бир-бирига тұғри келмаялты. Ҳаридорлар хошишидаги хизматларни энг күп таклиф килған савдо корхонасі юқори устунылкка эга бўлади. Ҳозирги ривожланиб бораётган ракобат мұхити

¹ Ch.W.Lamb, J.F.Hair, C.Mcdaniel. Essentials of Marketing. 5th ed. USA.: 2006, p 380.

шароитида чакана савдо корхоналари ўзлари таклиф қилаётган товар ва кўрсатадаётган хизматлар сифати даражасини ошириб бормоқдалар.

Чакана савдо корхоналарининг асосий вазифаси – бу сифатли товарни унга мувофиқ хизмат кўрсатиш орқали ҳарид имкониятини яратиб беришдир. Таклиф этилаётган хизматлар жамланмаси бир магазинни бошқаларидан ажратиб турадиган асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳозирги кунда ҳар қандай магазинга кирманг товарлар ассортименти деярли бир хил. Демак, хизмат кўрсатиш билан товарлар ассортименти бир хил шароитда рақобатда юриб кетиш мумкин. Масалан, катта супермаркетлар ўз мижозларини саклаб қолиш ва улар сафини кенгайтириш учун куйидаги хизматларни таклиф қилишлари мумкин:

- имтиёзли етказиб бериш (Жами ҳарид суммаси маълум микдордан ошган ҳолатда);
- товарларни эркин алмаштириб бериш;
- лотарея ва турли ютуқли ўйинлар ташкил этиш;
- ҳар бир каватда дам олиш жойларини ташкил этиш;
- соат тузатиш устахонаси мавжудлиги;
- мини банк мавжудлиги;
- фото хизматлар мавжудлиги;
- товарларни ўраб бериш;
- телефон орқали ёки почта орқали буюртма олишни ташкил этиш.

Чакана савдо корхонаси ҳаридорларга таклиф этаётган хизматлар турлари кўплиги билан рақобатчиларидан ажралиб, ўз мавқенини кўтариб олади.

Савдо маркетингида нарх муҳим элемент ҳисобланади. Нархнинг баланд ёки паст кўриниши савдо ҳажмига албатта таъсир килади, айниқса энди бозор муносабатларига ўтиб бораётган Ўзбекистон иктисадиётида нарх энг асосий ролни ўйнайдики, ахолининг асосий қатлами ўрта даромадли ҳисобланиб, нархга зътибор жуда юкоридир. Савдо хизматининг нархи савдо устамаси кўринишида келиши мумкин. Шунинг учун иктисадий нуткай назардан олиб қаралганда савдо корхоналари учун савдода сотилаётган товарнинг нархи муҳим эмас, балки ҳаридорларга кўрсатилаётган хизмат ҳаки ҳамда фойда микдоридаги устама муҳим рол ўйнайди.

Нарх даражасининг ўзгариши бир томондан товарнинг ҳарид нархига боғлик бўлса, иккинчи томондан талаб ва рақобатга боғлиқдир. Чакана савдо корхоналари охирги истеъмолчи билан бевосита алоқада бўлгани учун ҳаридорларни кўпроқ ушлаб туриши ва уларнинг аудиториясини кўпайтириш мақсадида мослашувчан нарх сиёсатини юргизади ва кўп ҳолатларда психологик таъсир этувчи нарх белгилашлари мумкин (масалан, 5000 сўмлик товар 4990 сўмлик нархда бозорга чиқарилади).

Филип Котлер ўзининг "Маркетинг менежмент" китобида шуни таъкидлаганки, нарх – бу магазиннинг ривожи учун энг асосий омилдир¹. Савдо соҳасида ишлаб чиқаришдан фарқли равиша тез ўзгарувчан бозор муҳитида ҳар бир чакана савдо корхонаси қуидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин: юкори нархлар ва паст савдо ҳажмига эга бўлган корхоналар, юкори бўлмаган устама ва юкори савдо айланмасига эга магазинлар.

Маркетинг комплексининг кейинги элементи бу тақсимот каналларидир. Умуман олиб қаралганда чакана савдо корхонаси ўз-ўзидан тақсимот каналининг ташкил этувчисидир. Лекин чакана савдо корхонасида ҳам тақсимот каналлари деганда магазин ички логистикаси ёки физик тақсимотини тушунишимиз мумкин. Бу ерда физик тақсимот деганда товарларни сақлаш, ассортиментни шакллантириш ва магазин ичидағи кўчиришни тушуниш лозим.

Ҳаридор эътиборини ўзига жалб қилиш ва ҳарид микдорини ўстириш учун чакана сотувчилар силжитиш билан боғлик воситаларни ишга солишади. Савода маркетинг комплексининг бу элементини ўзига хос хусусияти шундаки, у аниқ бир товарга эмас, балки савдо хизматига нисбатан қабул қилинади. Ҳаридорлар билан коммуникация усуллари пулли (реклама, товарни визуал тақдим этиш, шахсий сотув, маҳсус чегирма, лотарея, презентация) ва пулсиз (омма билан алоқа, миш-миш, яъни оғзаки реклама) турларга бўлинади. Шуни қайд қилиш лозимки, пулсиз оғзаки реклама муҳим аҳамиятга эга. Ўтказилган тадқикотлардан маълумки, магазин хизматидан норози бир ҳаридор ўз таассуротларини камида 10-12 кишига етказади. Кейин ушбу 10-12 киши яна шунча ҳаридорга ва занжир давом этади. Бунда корхонанинг мавқеи деярли тушиб ҳаридлар сони камайиб кетиши кузатилади. Ушбу ҳолатдан чиқиши учун жамоат билан алоқанинг "очиқ эшиклар куни" ва мижозлар учун семинарлар ўтказиш тавсия этилади ва у жуда катта самара бериши мумкин. Ушбу тадбирларда ҳаридорлар чакана савдо корхонаси фаолиятига таклифлар бериши мумкин.

Юкорида айтиб ўтилганидек, чакана савода маркетинг комплекси элементлари еттита бўлиб, қўшимча равиша магазиннинг жойлашган жойи, персонал, магазиннинг безатилиши элементлари киритилган. Магазиннинг куляй жойда жойлашгани унга рақобатда катта имконият яратиши аниқдир. Чунки магазиннинг товар ассортименти, кўрсатаётган хизматлар турлари ва нарх даражаси тез ўзгариши мумкин, лекин унинг жойлашган жойи ўзгармайди. Шунинг учун бизнес юритиш учун жой танлашда маркетологлар яхшилаб изланиш олиб боришилари керак.

Куляй жойлашганлик даражаси қуидаги йўналишга кўра бўлинади: регион (мамлакатнинг бирор қисми ёки шаҳар), савдо ҳудуди (потенциал ҳаридорлар жойлашган ҳудуд) ва ниҳоят аниқ бир жой. Танланган жойнинг ҳаридорларни жалб қилишга бўлган асосий омиллари қуидагилардир: мақсадли бозорнинг умумий ҳажми, аҳолининг ўсиш суръати, оила таркиби ва катталиги, даромадларнинг тақсимланиши, бундан ташкари

¹ Котлер Ф. Маркетинг менеджмент. -М.:2003. 385 с.

автомагистраларнинг ўтганлиги ҳамда автомобил ва аҳоли харакатининг зичлиги. Шунингдек, фаолият юритиш учун жой танлашда йўл схемаси, маълум бир мақсадли сегментга мўлжалланган магазинларнинг якинлиги ва кўриниши ҳам эътиборга олиниши керак. Автомобил ва аҳолининг қатнови зичлигига кўра интенсив жой маркетинг қузатувлари асосида танланади.

Чакана савдода маркетинг комплексининг кейинги элементи персоналдир, бошқа сўз билан айтганда ҳаридорларга хизмат кўрсатувчи савдо корхонасининг ходимлари дидри.

Савдо корхонаси персонали ўз ишидан манфаатдор бўлиши жуда муҳим хисобланади. "Хушкайфият ходим – бахти мижоз" - Globus савдо тармоғида шундай дейилади¹. Ушбу корхонада ўз ходимларининг ижодий фаоллигини рағбатлантириш мақсадида уларга реал карьерасини ошириш имконияти берилади. Кўпроқ қизиқувчан ходимлар учун ишчи семенарлар ташкил этилади. Ушбу семенарларда ходимларга хизмат даражасини ошириш ва сифатли товарни танлай олиш малакасини эгаллаш имкони туғилади.

Чакана савдо корхонасининг ривожида персоналнинг роли жуда катта. Ходимлар мижозлар билан бевосита учрашганликлари учун уларнинг ҳоҳиши ва талабини раҳбарият ва маркетологлардан кўра яхшироқ биладилар. Шунинг учун деярли ҳар бир сотувчи маркетологлар ва корхона фаолиятига таклифлар бериши мумкин ва бу жуда муҳим. Савдода меҳнат ҳакини олиб қарайдиган бўлсак, ходимлар асосан сотилган товарларнинг бир кисми учун ҳақ олишади, яъни товар сотиш ҳажмининг ошиши меҳнат ҳакининг ошишига олиб келмайди. Шунинг учун кўпчилик савдо ходимлари ҳаридорларга оддий мижоз сифатида караб, уларга яхши муомалада бўлмайди ва натижада савдо ҳажмининг ўсишига мойиллиги камайиб боради. Агар меҳнат ҳаки прогрессив бўлса, сотувчи-персонал ҳам кўпроқ савдо айланмасига эришишга интилади. Шунингдек, яна бир тоифа персоналлар гуруҳи мавжудки, улар ҳарид жараённида истеъмолчи эҳтиёжининг қондирилишига эмас, балки савдо ҳажмини ошириш баробарида кўпроқ фойда олишга интилишади. Ана шу томонларини ҳисобга олган ҳолда савдода ишлётган ходимлар ўз ишларини севиши ва уларнинг мулоҳимлиги катта аҳамият касб этади.

Чакана савдода маркетинг комплексининг сўнгги элементи бу - безашдир. Ушбу омил ўзига магазин режалаштирилиши типи, турли бўлимлар орасида савдо майдонининг тақсимланишини, магазинда товарни жойлаштириш ва ҳаридорларга тақдим этиш йўллари, магазин интеръерини мувофиқлаштирилганлигини ва магазин атмосферасини ўз ичига олади.

Деярли ҳамма чакана савдо корхоналарида савдо майдони жами майдонининг 50 фоизидан кам эмас. Энг яхши жой кўп сотиладиган товарлар учун ажратилади. Савдо майдонига товарларни жойлаштиришда уларнинг савдо улуши ҳам ҳисобга олинади (10 фоиз савдо улушкига эга товар учун

¹ Елькин Р, Торлопов С.Использование комплекса маркетинга на предприятиях розничной торговли// Журнал «Справочник рекламодателя Сыктывкара и Ухты 2004». 26 мая 2003 г.

савдо майдонининг 10 фоизи ажратилади). Шунингдек, товарниг фойдаличик дарражаси ва мавсумийлиги ҳам эътиборга олинади.

Магазиннинг ташки кўриниши унинг имижига ва ички интеръерига мос тушиши лозим. Бўлимларни жойлаштиришда фойданы мақсималиташтиришга эътибор бериш лозим. Магазинда энг яхши жой бу кириш-чикишга яқин бўлган жойдир. Савдо бўлимларини жойлаштиришда ҳаридорларнинг жиснисига эътибор бериш ҳам муҳимдир. Эркак ҳаридорлар аёлларга караганда пассивроқ бўлишади. Шунинг учун уларга мўлжалланган товарлар пастки қаватларга ёки чикиш жойига яқин жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Савдо бўлимларини жойлаштиришда товарларга тўлдирувчи товарлар гурӯхи билан яқин қилиб жойлаштириши лозим: кийим-кечаклар ва оёқ кийимлари.

Товарларни жойлаштириш учун маҳсус таглик ва стелажлар мавжуд. Ушбу таглик ва стелажларга товарларни шундай жойлаштириш керакки, ҳаридор ҳеч бўлмаса товарни қўлига олиб кўрсин, у билан кизиксин.

Магазин атмосфераси деганда магазиннинг ички ва ташки ранги, хиди (хушбуйлиги), ёруғлиги, мусиқа ва инсоннинг эмоционал ҳолатига таъсир қилувчи элементлар тушунилади. Шунингдек, ҳаридорларни жалб қилишда товарларни ранги ҳам аҳамият касб этадики, рангларнинг очиқлиги ҳаридорларни кўпроқ жалб қила олади. Магазинда ҳаридорларни ушлаб қолиш учун турли ёқимли ароматизаторлардан фойдаланиш катта самара беради. Хориж олимларининг таъкидлашича, ароматизаторлардан фойдаланадиган магазинда ушбу воситадан фойдаланмайдиган магазинга қараганда 15-20 фоиз кўпроқ савдо бўлар экан¹.

Ушбу маркетинг комплекси элементларини кўллаш орқали ҳар қандан чакана савдо корхонаси рақобатда ютиши аниқ ва шу орқали ўзининг фаолияти давомийлигини сақлаб қолиши учун имконият яратади. Ўзбекистон шароитида янги пайдо бўлаётган супермаркет ва фирма дўконлари кўпроқ маркетинг комплексидан фойлананиши йўлга қўйишган, чунки бозорга янги корхонанинг кириб мустаҳкам ўрнашиши жуда кийин. Маркетинг комплексини ўз фаолиятининг дастуруламали қилиб ҳаридорларга яқинлашиш бизнинг ички бозоримиз учун янгилик ва шу йўл билан чакана савдо соҳасида янги имкониятларни очиш ҳар бир чакана савдо корхонаси учун муҳим.


Маркетинг комплексининг асосий хусусияти бўлиб, иктисолиётнинг турли соҳалари воситаларининг ўзгаришида ифодаланадиган унинг мослашувчанлиги хисобланади. Савдода ҳарид тўғрисида карор кабул қилишга мулокотдаги персонал ва савдо зали атмосфераси сезиларли дарражада таъсир кўрсатади. Савдо маркетингининг бошқа элементлари ҳам ўзининг хусусиятларига эгадирлар. Маркетинг комплекси моделларидан фойдаланиш мақсадли бозорнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ ва чукурроқ тушуниш, ўз тақлифини унинг хоҳиш-истакларига яхшироқ мослаштириш асосида маълум

¹ Налоговые и таможенные вести. Финансово-экономического газета, 6 февраль 2007 г. №6, с.12.

бир рақобат устунынгига эришиш ҳамда бизнесда ўзини ишончли тутиш имконини беради.

Маркетинг нүктән назаридан савдонинг хусусияти биринчи навбатда бозорга таклиф этилаётган маҳсулот орқали ифодаланади. Бу маҳсулот - савдо хизмати ҳисобланади. Америка маркетинг ассоциациясининг (AMA) таъкидлашича, айрим ҳолларда product атамасидан фойдаланиш унинг факт жисмоний ҳис килинадиган шаклларини аниклашни кўзда тутади. Бундай ҳолатда ушбу атамадан маҳсулот ва хизмат тушунчаларига нисбатан фойдаланиб бўлмайди. Шу сабабли, Америка маркетинг ассоциацияси (AMA) жисмоний ҳис килинадиган маҳсулотларга нисбатан goods атамасидан фойдаланиш ва у services (хизматлар) тушунчаси билан ягона product атамасини ташкил этишини эътироф этишган. Мамлакатимиз атамалунослигида product, goods, services атамаларини маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар деб номлаш қабул қилинган (1.1.5 - расм).

Бундай ёндошувдан шу фикр келиб чиқадики, савдо маркетингида маҳсулот деганда, жисмоний товар эмас, балки савдо (воситачилик) хизмати тушунилади.



1.1.5 - расм. Маркетинг атамалари учлиги

Узок муддат давомида "ички савдо" (тижорат) сўзлари кенг маънода қўлланилиб, амалда бутун иктиносиди фаолиятни тўлалигича ифодалар эди. Тор маънода "ички савдо" деганда товарларни уларга муҳим моддий ўзгаришлар киритмасдан сотиб олиш ва сотиш тушунилади. Аксинча, инсоннинг эҳтиёжларини кондиришга ярокли бўлган пировард маҳсулотни олиш мақсадида табиат объектларига ўзгаришлар киритиш ишлаб чиқариш фаолияти учун хосдир.

Савдо фаолияти жуда кадимдан маълум бўлиб, дастлаб у бир-биридан узок жойлашган мамлакатлар ва худудлар ўргасида дениз ёки қуруқлик йўлларидан фойдаланиш орқали ўзаро товар ^{Дайирбошлаш}